

“ТАСДИҚЛАНГАН”

АТБ “Namkorbank”нинг 2015 йил 6 июндаги
Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан

Банк Кенгаши Раиси

И.И. Ибрагимов

ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ “НАМКОРВАНК” АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИНинг КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТҮҒРИСИДАГИ НИЗОМИ

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.....	2
2. БАНК КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.....	2
3. БАНК КЕНГАШИ ВАКОЛАТЛАРИ.....	4
4. БАНК КЕНГАШИНИ САЙЛАШ.....	5
5. БАНК КЕНГАШИ МУСТАҚИЛ АЪЗОСИНИНГ МЕЗОНЛАРИ.....	8
6. БАНК КЕНГАШИНИНГ РАИСИ.....	9
7. БАНК КЕНГАШИНИНГ КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИСИ.....	10
8. БАНК КЕНГАШИ МАЖЛИСИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ.....	11
9. БАНК КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.....	14
10. БАНК КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ВА ИШ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ.....	16
11. БАНК КЕНГАШИНИНГ ҚЎМИТАЛАРИ.....	17
12. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ.....	17
13. БАНК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ.....	18
14. КАДРЛАР СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ.....	19
15. БАНКНИНГ АДЕКВАТ КАПИТАЛЛАШУВИНИ САҚЛАБ ТУРИШ.....	20
16. БАНКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИК РЕЖАСИНИ ШАКЛАНТИРИШ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ.....	20
17. БАНК КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ БИЛАН БАНК МАНФААТЛАРИНИНГ ҚАРАМА ҚАРШИЛИГИ.....	20
18. БАНК КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.....	21

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Чел эл капитали иштирокидаги “Hamkorbank” Акциядорлик-Тижорат Банкининг Кузатув Кенгаши тўғрисидаги Низоми (кейинги ўринларда – Низом) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига, Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига (кейинги ўринларда – Конун) ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа хукуқий ва конунчилик ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг (кейинги ўринларда – Марказий банк) меъёрий ҳужжатларига, ҳамда Чел эл капитали иштирокидаги “Hamkorbank” Акциядорлик-Тижорат Банкининг Уставига мувофиқ равишда ишлаб чиқилди.
2. Мазкур Низом Банк Кузатув Кенгашининг (кейинги ўринларда – Кенгаш) мақомини, ваколатини, таркибини, ҳукуқларини, мажбуриятларини, Кузатув Кенгаши аъзоларининг жавобгарлигини ва уларни мукофотлаш тартибини, уни шакллантириш тартибини ва Банк Кенгаши аъзоларининг ваколатларини муддатдан илгари тугатиш тартибини, Банк Кенгаши аъзолигига номзод бўлган шахсларга қўйиладиган талабларни, ҳамда Кенгаш иш фаолиятини ташкил этиш тартибини ва Банк Бошқарувининг бошқа органлари билан ўзаро муносабатини белгилайди.
3. Банк Кенгаши коллегиал бошқарув органи бўлиб ҳисобланади ва банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Қонунга ва Банк Уставига мувофиқ Акциядорлар умумий йиғилиши (кейинги ўринларда – Акциядорлар умумий йиғилиши) ваколати доирасига киритилган масалаларни ҳал қилиш бундан мустасно.
4. Банк Кенгаши Банк фаолиятини хавфсиз ва самарали равишда олиб бориш мақсадида банк фаолиятини назорат қиласи, ҳамда банк рискларининг мувофиқ тарзда назорат қилинишини таъминлайди. Банк Кенгаши аъзолари банкда банк маданиятига, назорат мухитига, узоқ муддатли мақсадларига ва стратегиясига мос бўлган тўғри ва шаффоф корпоратив бошқарув тизимининг шакллантирилишида кўмаклашишлари зарур.

2. БАНК КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

5. Банк Кенгаши фаолиятининг асосий мақсадлари Банкинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, Банк акциядорларининг ҳукуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, Банк ижроия органи (кейинги ўринларда – Бошқарув) – Бошқаруви фаолияти устидан мунтазам равишда назоратни амалга ошириш, Банк ҳақидаги оммавий маълумотларнинг тўлиқлилигини, ишончлилигини ва объективлигини таъминлаш ҳисобланади.
6. Мақсадларга эришиш учун Банк Кенгаши қўйидаги тамойилларга амал қилиши зарур:
 - Банк фаолияти тўғрисидаги ишончли маълумотларга асосланган ҳолда қарор қабул қилиш;
 - Банк акциядорларининг банк фаолияти бошқарувида иштирок этишларини, дивиденд ва банк тўғрисида маълумот олишларини чегаралаб қўймаслик;
 - Акциядорлар турли гурухларининг манфаатлари ўртасидаги мувозанатга эришиш, Банк Кенгаши томонидан барча акциядорларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда максимал даражада объектив қарор қабул қилиш.

7. Кўйилган мақсадларни амалга ошириш учун Банк Кенгаши ўз ваколати доирасида қўйидаги масалаларни ҳал этади:
 - Банкнинг стратегик мақсадларини ва ривожланишининг устувор йўналишларини белгилаш;
 - Банкнинг молиявий хўжалик фаолияти устидан самарали назоратни таъминлаш;
 - Рискларни бошқаришнинг самарали тизимининг шакллантирилиши ва ишлаши устидан назоратни таъминлаш;
 - Банқда акциядорлар хуқуқларини амалга оширишда бажариладиган таомиллар устидан назорат ўрнатилишини таъминлаш, жумладан, корпоратив низоларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш;
 - Банк ижроия органи – Банк бошқаруви фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш, жумладан, унинг фаолияти устидан назорат ўрнатиш орқали;
 - Корпоратив қадриятларни тасдиқлаш ва уларни бутун Банк бўйича тарқатиш;
 - Банк бўйича жавобгарликлар ва ҳисобдорликларнинг аниқ белгиланган соҳаларини ўрнатиш ва уларнинг ижросини таъминлаш.
8. Банк Кенгаши ўз вазифаларини бажариш мақсадида қўйидаги мажбуриятларни тегишли равища ва вижданан амалга ошириши лозим:
 - Бошқарувни амалга ошириш, ҳамда ташаббускорлик, Банкнинг барқарор фаровонлигига эришиш мақсадида фаолиятини йўналтириб, тўғри ва мустақил фикрлаш тамойиллари асосида ҳаракат қилиш, шу билан бирга барча ҳолатларда Банкнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳаракат қилиш ва шаффоффлик ва ҳисобдорлик тамойилларига риоя қилиш;
 - Банкнинг самарадорлигини оширишда ўз ҳиссасини қўша оладиган ва қарорларни қабул қилишда мустақил бўла оладиган билимдон Банк Кенгаши аъзоларини тайинлашда бошқарилувчан ва самарали жараённи тегишли равища таъминлаш;
 - Банкнинг мақсадларини ва вазифаларини, ҳамда Банкнинг доимий фаолиятини ва равнақини таъминлаш мақсадида уларга эришиш стратегиясини белгилаш, шунингдек, Банк активларини ва эътиборини ҳимоя қилувчи таомиллар ва амалиётлар устидан назоратнинг амалга оширилишини таъминлаш;
 - Стратегиялар ва сиёсаларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш ва баҳолаш, ҳамда Банк бошқаруви – ижроия органи фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш ва Банк бизнес-режасининг бажарилишини мониторинг қилиш;
 - Банкнинг мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан барча тегишли қонунчилик талабларига, банк ички меъёрий ҳужжатларига, сиёсаларига, низомларига ва таомилларига, ҳамда Банк корпоратив бошқаруви кодекси талабларига риоя қилиниши устидан назоратни таъминлаш;
 - Банк ва унинг акциядорлари, ҳамда бошқа манфаатдор тарафлар ўртасидаги самарали алоқани таъминлаш;
 - Банк ва унинг акциядорларининг қонуний манфаатларига хизмат қилиш, ҳамда улар олдида ўз ҳаракатлари учун тўлиқ равища ҳисбдор бўлиш;
 - Ички назорат тизимларининг самарадорлигини таъминлаш, самарали қарорларни қабул қилиш, ҳамда ҳисботларнинг ва молиявий натижаларнинг тўғрилигини юқори даражада саклаш мақсадида жараёнлар ва таомилларни мунтазам равища кўриб чиқиши;
 - Банк Кенгаши фаолиятининг самарадорлигини умумий тарзда, ҳамда Кенгашнинг алоҳида аъзолари, Бошқарув Раиси (кейинги ўринларда – Бошқарув Раиси) ва Бошқарув аъзолари фаолиятининг самарадорлигини мунтазам равища баҳолаш;
 - Банк интеллектуал капиталининг рағбатлантирилишини ва ҳимоя қилинишини, ҳамда Банк раҳбарлари ва ходимларининг етарли даражада таълим олишини таъминлаш;

- Банк Кенгаши билан боғлиқ қонунларда кўзда тутилган ваколатлар доирасида юқори бошқарув лавозимларининг алмаштирилишини режалаштириш;
- Рискнинг асосий соҳаларини ва фаолият самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини белгилаш, ҳамда мазкур омилларнинг мониторингини амалга ошириш;
- Банкнинг амалдаги ҳаётchan ташкилот сифатида фаолиятининг равнақини ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида мунтазам тарзда мустақил баҳоланишининг ўтказилишини таъминлаш.

3. БАНК КЕНГАШИ ВАКОЛАТЛАРИ

9. Банк кенгашининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:
 - Банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
 - Қонунда кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари банк акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш;;
 - Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
 - Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойини белгилаш;
 - Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Банк акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
 - Банкнинг қайта ташкил этилиши тўғрисидаги масалаларни Акциядорларнинг умумий йиғилишига киритиш;
 - Мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
 - Банкнинг бошқарув аъзоларини (Раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
 - Агар мазкур лавозимнинг киритилиши Банк Уставида кўзда тутилган бўлса, корпоратив маслаҳатчини (кейинги ўринларда – Корпоратив маслаҳатчи) тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;
 - Банкнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
 - Банкнинг ички аудит хизматини (кейинги ўринларда – Ички аудит хизмати) ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
 - Банкнинг ижроия органи фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланиш ва Банк кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни ижроия органидан олиш. Олинган ҳужжатлардан Банк Кенгаши ва унинг аъзолари факат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;
 - аудиторлик текширувани ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;
 - Банкнинг Тафтиш комиссияси (тафтишчиси) (кейинги ўринларда – Тафтиш комиссияси) аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
 - Дивидендлар миқдори, шакли ва уларни тўлаш тартиби бўйича тавсиялар бериш;
 - Банкнинг заҳира ва бошқа фонdlаридан фойдаланиш;
 - Банкнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
 - Банкнинг шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;
 - Қонунда назарда тутилган ҳолатларда йирик битимлар тузиш ва аффилланган шахслар билан битимлар тузиш;
 - Банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

- Банкнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

10. Банкнинг Акциядорлар умумий йигилиши қарорига ва Банк Уставига мувофиқ Банк Кенгаши ваколатларига қўйидагилар киритилиши мумкин:

- Банкнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек Банкнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;
- Акцияларни жойлаштириш нархини белгилаш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш);
- Банк томонидан корпоратив облигациялар, жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Банкнинг корпоратив облигацияларини қайта сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Банк Бошқарувига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;
- Банкнинг йиллик бизнес режасини тасдиқлаш.

11. Банк Кенгашининг ваколат доирасига Қонунга ва Банк Уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

12. Банк Кенгашининг ваколат доирасига киритиладиган масалалар, ҳал қилиш учун Банк Бошқарувига топширилиши мумкин эмас.

4. БАНК КЕНГАШИНИ САЙЛАШ

13. Банк Кенгаши таркиби, таркибда акциядорларнинг турли гурухлари, жумладан, миноритар акциядорлар вакилларининг мавжудлиги таъминланадиган тарзда белгиланади.

14. Банк Кенгаши аъзолари Акциядорларнинг умумий йигилиши (йиллик) томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар. Банк Кенгашининг миқдорий таркиби 9 (тўқиз) кишидан иборат. Банк Бошқарув аъзолари ва Банк Бошқарув Раиси Банк Кенгашига аъзо бўлиб сайланана олмайдилар. Банқда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Банк Кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин эмас.

15. Банкнинг чэт эллик инвесторлари, яъни Халқаро Молиявий Корпорация (кейинги ўринларда – ХМК) ва Nederlandse Financierings-Maatschappij Voor Ontwikkelingslanden N.V. (кейинги ўринларда – ФМО) камида 1 (бир) фоиз овоз берувчи акцияларга эгалик қилишлари пайтида ҳам, камида 1 (бир) кузатувчи ва 1 (бир) Банк Кенгаши аъзоси номзодини қўйиш хукуқига эга.

16. Амалдаги қонунчиликка биноан ва Акциядорлар умумий йигилиши қарорини инобатга олган ҳолда ХМК ва ФМО истаган вақтда улар томонидан номзодликка қўйилган номзоднинг четлатилиши тўғрисида ариза тақдим этишлари мумкин, шу билан бирга четлатилган номзоднинг ўрнига бошқа шахсни номзод қилиб тайинлаш хукуқларига эга. Қўйилган номзоднинг истеъфо қилиши, нафақага ёки дам олиш таътилига чиқиши ҳолатида ХМК ва ФМО (бундай номзодни ким тайинлаганлигига қараб) бошқа шахсни ўз номзоди сифатида тайинлаш хукуқига эга.

17. Банк Кенгаши аъзоларининг (ҳар бирининг) Банк Кенгаши аъзоси сифатида фаолият кўрсатиш жараёнида юзага келган ҳар қандай сарф-харажатларини ва мажбуриятларини амалдаги қонунчиликка биноан руҳсат этилган максимал даражада қоплади. Банк ходими бўлмаган Банк Кенгаши аъзосининг баъманилик билан амалга оширган, Банк Кенгаши йиғилишида ёки Банк Кенгаши қўмитаси йиғилишида ёхуд Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш билан боғлиқ сарф-харажатлари (жумладан, ХМК ва ФМО томонидан Банк Кенгашига номзоди қўйилган аъзонинг йўл харажатлари ва йиғилишда иштирок этиш харажатлари) Банк томонидан қопланиши зарур.

18. Банк Кенгаши аъзоси факатгина жисмоний шахс бўлиши мумкин. Банк Кенгаши аъзоси Банкнинг акциядори бўлмаслиги мумкин.

19. Қабул қилинаётган қарорларнинг объективлигини таъминлаш ва акциядорларнинг турли гурухлари манфаатларининг мувозанатини сақлаш мақсадида Банк Кенгаши таркибининг учдан бир қисмидан кам бўлмаган ҳолда мустақил аъзолар ташкил этиши мумкин. Банк Кенгаши аъзоларининг мустақиллиги мезонлари мазкур Низомнинг 5-бобида келтирилган.

20. Банк Кенгаши аъзоси лавозимиға бенуқсон обрў-эътиборга эга шахслар сайланади. Қуйидаги шахслар Банк Кенгаши таркибиға кира олмайди:

- Иқтисодий фаолият соҳасида ёки давлат ҳукуматига қарши жиноят содир этганлиги сабабли, ҳамда қасдан ва (ёки) фиктив банкротликка олиб келган, у ёки бу кредит ташкилотига зарар келтирган ноқонуний ҳаракатларнинг амалга оширилганлигини тасдиқловчи фактларнинг аниқланганлиги боис ушбу шахсларга нисбатан кучга кирган суд қарорларининг мавжудлиги натижасида судланганлик ҳолати мавжуд бўлган шахслар, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида ва Марказий Банкнинг меъёрий ҳужжатларида белгиланган малакавий талабларга жавоб бермайдиган бошқа шахслар;
- Учдан ортиқ бошқа ташкилотларнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлган шахслар;
- Банк билан рақобатлашувчи ташкилотнинг иштирокчиси, якка ижроия органи, жисмоний шахснинг бошқарув органи аъзоси ёки ходими бўлган шахслар.

21. Банк Кенгаши аъзоси олий маълумотга, илмий даражага ёки унвонга, ҳамда раҳбарлик лавозимида иш тажрибасига ёхуд молиявий, иқтисодий ёки илмий соҳаларда тажрибага эга бўлиши лозим.

22. Банк Кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Банкнинг Кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарика олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Банк Кенгаши таркибиға сайланган деб хисобланади. Банк Кенгаши таркибиға сайланган шахсларнинг янги муддатга қайта сайланишлари чекланмайди.

23. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор), Банк Кенгаши миқдорий таркибидан ошмаган миқдорда Банк Кенгаши аъзолигига номзодларни таклиф қилиш хуқуқига эга.

24. Банк Кенгашига сайланадиган номзодлар тўғрисидаги таклиф, молиявий йил тугагандан кейин 30 (үттиз) кундан кечиктирмаган ҳолда йиллик Акциядорлар умумий йиғилишида тақдим этилади.

25. Банк Кенгашига номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилиб, акциядорлар (акциядор) томонидан имзоланиши лозим. Агар таклиф уставга мувофиқ равишда ишончномасиз ҳаракат қилаётган юридик шахс бўлган акциядор томонидан киритилаётган бўлса, мазкур юридик шахс томонидан муҳрланади.

26. Номзодни кўрсатиш тўғрисидаги таклифда қуидагилар белгиланади:

- Таклиф этилаётган ҳар бир номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми ва туғилган санаси;
- Номзодни таклиф этаётган акциядорнинг (акциядорлар) исми (номи);
- Бундай акциядорларга тегишли акцияларнинг сони ва тури;
- Маълумоти, жумладан, малака ошириш (ўқув муассасаси номи, битирган санаси, мутахассислиги);
- Номзоднинг охирги 5 (беш) йил ичида эгаллаган лавозимлари тўғрисидаги маълумот;
- Номзод кўрсатилган вақтда эгаллаётган лавозими;
- Бошқа юридик шахслар кенгашида ёки бошқа бошқарув органларида аъзолиги тўғрисидаги маълумот;
- Номзоднинг иштирокчиси бўлган юридик шахсларнинг рўйхати, ушбу юридик шахсларнинг устав капиталида номзодга тегишли улушлар, акциялар кўрсатилади;
- Номзод аффилланган шахси бўлган шахсларнинг рўйхати, аффилланганлик ҳолати кўрсатилган ҳолда;
- Банк Кенгашида иштирок этиш учун чеклашларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар: қопланмаган судланганлик ҳолати, маъмурий жавобгарлик, маълум лавозимларни эгаллаш ёки маълум фаолият билан шуғулланишдан маҳрум қилиш кўринишидаги жазонинг қўлланилиши ва х.

27. Банк Кенгаши келиб тушган таклифларни кўриб чиқиши, ҳамда мазкур Низомнинг 24-бандида белгиланган муддат тугагандан кейин 10 (ўн) кундан кечиктирмаган ҳолда Банк Кенгаши аъзолигига кўрсатилган номзодларнинг овоз бериш йўли билан сайланадиган номзодлар рўйхатига киритиш ёки номзодни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилиши зарур.

28. Банк Кенгаши аъзолигига кўрсатилган номзодлар овоз бериш йўли билан сайланадиган номзодлар рўйхатига киритилади, қуидаги ҳолатлар бундан мустасно:

- Акциядорлар (акциядор) томонидан 24-бандда белгиланган муддатларга риоя қилинмади;
- Акциядорлар (акциядор) Банк овоз берувчи акцияларининг тегишли миқдорига эгалик қilmайди;
- Таклиф қонунчиликдаги талабларга ва/ёки мазкур Низомнинг 20-бандида белгиланган Банк Кенгаши аъзолари мезонларига мувофиқ эмас;
- Қонунчиликда белгиланган бошқа ҳолатларда.

29. Акциядорлар (акциядор) томонидан таклиф қилинган номзоднинг Банк Кенгашига овоз бериш йўли билан сайланадиган номзодлар рўйхатига киритилмаганлиги тўғрисидаги рад қарори сабаблари кўрсатилган тарзда ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб 3 иш кунидан кечиктирмаган ҳолда номзодни таклиф қилган акциядорларга юборилади. Банк Кенгашининг Банк Кенгашига овоз бериш йўли билан сайланадиган номзодлар рўйхатига киритилмаганлиги тўғрисидаги рад қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин.

30. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан Банк Кенгаши аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилиши мумкин. Акциядорлар умумий йиғилишининг Банк Кенгаши аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилиши тўғрисидаги қарор фақатгина барча аъзоларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Акциядорлар умумий йиғилишида Банк Кенгаши аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилиши тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг уларнинг ваколатлари тугатилди деб ҳисобланади.

31. Банк Кенгашининг янги таркиби мавжуд таркибнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган худди ўша навбатдан ташқари Акциядорлар умумий йиғилишида сайланади.

32. Банк Кенгаши ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда навбатдан ташқари Акциядорлар умумий йиғилишида сайланган янги таркибнинг ваколатлари энг яқин йиллик Акциядорлар умумий йиғилишигача амал қиласди.

33. Банк Кенгаши аъзоси ўз хоҳишига кўра, жумладан, касаллиги туфайли ўз ваколатларини тугатиши тўғрисида Банк Кенгашига ёзма равища хабар бериш ҳуқуқига эга. Зикр этилган билдиришнома буюртмали хат ёки Банк Кенгашининг корпоратив маслаҳатчисига имзо қаршилигига юборилади. Тегишли ариза Банк Кенгаши раиси номига, агар ариза Банк Кенгаши раиси (кейинги ўринларда Кенгаш раиси) томонидан тақдим этилаётган бўлса, Банк Кенгашининг корпоратив маслаҳатчиси номига расмийлаштирилади. Банк Кенгаши аъзоси ўз хоҳишига биноан ваколатларини тугатиши тўғрисида Банк Кенгашига 1 (бир) ойдан кечиктирмаган ҳолда ёзма равища хабар бериши лозим.

5. БАНК КЕНГАШИ МУСТАҚИЛ АЪЗОСИННИНГ МЕЗОНЛАРИ

34. Банк билан моддий муносабатларда бўлмаган ва акциядори бўлмаган Банк Кенгаши аъзоси мустақил аъзо ҳисобланади. Куйидаги мезонларга жавоб берадиган Банк Кенгаши аъзолари мустақил ҳисобланади:

- Банкнинг аффилланган шахслари бўлмаган, ҳамда бундай аффилланган шахсларнинг аффилланган шахси бўлмаган;
- Банкнинг йирик контрагенти бўлмаган (бундай контрагентлар билан амалга оширилган битимларнинг ялпи ҳажми бир йил ичida Банк активларининг баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этади);
- Банк билан шартнома мажбуриятлари бўйича тараф бўлмаган шахслар, ушбу шартнома шартларига биноан қиймати кўрсатилган шахсларнинг ялпи йиллик даромадининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этган мол мулкни сотиб олишлари (пул маблағларини олиш) белгиланганлиги сабабли, Банк Кенгаши фаолиятида иштирок этганлик учун мукофот олиш бундан мустасно;
- Ҳукумат вакиллари бўлмаган шахслар;
- Банк ва филиаллари томонидан муҳим меъёрда молиялаштирилаётган нотижорат ташкилотлари вакиллари бўлмаган шахслар;
- Банк ва филиалларининг нафақа дастурлари ёки акциялар бўйича опционларнинг иштирокчилари бўлмаган шахслар;
- Банкда ва филиалларида мулкий манфаатларга эга бўлмаган шахслар (ёки бундай манфаатдор шахснинг бош ходими, бошлиғи, директори, акциядори ёки ҳамкори бўлмаган шахслар);
- Юқорида кўрсатилган талабларга жавоб бермайдиган шахсларнинг оила аъзолари ёки раҳбарлари бўлмаган шахслар;

- Банк билан Банк Кенгаши аъзоси сифатидаги муносабатдан ташқари бевосита бошқа мулкий муносабатларда бўлмаган шахслар;
- Акциядорларга тарқатилган Банкнинг йиллик ҳисботида Банк Кенгашининг мустақил аъзолари деб кўрсатилган шахслар;
- Охирги 10 йил ичида Банк бошқарувида иштирок этмаган шахслар;
- Охирги 5 йил ичида:
 - ✓ Банк ва филиаллари билан шериклик муносабатларида бўлмаган, Банк ва филиалларида ходим сифатида ишламаган;
 - ✓ Банк Кенгаши аъзолигидан тушадиган даромаддан ташқари Банкдан бошқа даромад олмайдиган шахслар ва бундай даромад уларнинг ялпи йиллик даромадининг катта қисмини ташкил этмаган.

35. Банк Кенгашининг мустақил аъзоси Банк Кенгаши аъзоси сифатида вазифаларини бажариш муддати, яъни беш йил ўтгандан сўнг мустақил бўлиб кўриб чиқилмайди.

36. Банк Кенгашининг мустақил аъзоси мустақил бўлишини бекор қиласиган ҳаракатларни амалга оширишдан сақланиши зарур. Агар Банк Кенгашига сайлангандан сўнг Банк Кенгашининг мустақил аъзоси бўлишга зид бўлган ўзгаришлар ёки вазиятлар вужудга келса, у ҳолда Банк Кенгашига ёзма равишда ушбу вазиятларни ва ўзгаришларни баён этувчи ариза тақдим этилиши лозим. Бундай ҳолатда, ҳамда Банк Кенгашига ўзгаришлар ва вазиятлар тўғрисида бошқа шаклда маълум бўлган ҳолатда Банк Кенгаши бу ҳақда акциядорларига хабар бериши шарт, зарур ҳолатларда эса, Банк Кенгашининг янги таркибини сайлаш мақсадида навбатдан ташқари акциядорлар умумий йигилишини чақириши мумкин.

6. БАНК КЕНГАШИННИГ РАИСИ

37. Банк Кенгаши раиси Банк Кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, Банк кенгаши аъзолари томонидан ушбу кенгаш таркибидан сайланади.

38. Банк Кенгаши аъзолари Банк Кенгаши раиси бўлмаган пайтда унинг вазифаларини амалга оширадиган Банк Кенгаши Раиси ўринbosарини сайлаш ҳуқуқига эга. Банк Кенгаши раиси ва раис ўринbosари бўлмаган пайтда уларнинг вазифаларини Банк Кенгашининг қарорига биноан аъзолардан бири амалга оширади.

39. Банк Кенгаши раиси ва унинг ўринbosари исталган пайтда Банк Кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайланишлари мумкин.

40. Банк Кенгашининг раиси:

- Банк Кенгашининг ишини ташкил этади;
- Кенгаш мажлисларини чақиради ва уларда раислик қиласи;
- Мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади;
- Акциядорлар умумий йигилишида раислик қиласи;
- Банк номидан Банк Бошқарув раиси билан меҳнат шартномасини тузади;
- Кенгаш қўмиталарини ташкил этиш, Кенгаш аъзоларини қўмиталар таркибига киритиш бўйича ишларни ташкиллаштиради, ҳамда қўмиталар фаолиятини мувофиқлаштиради;
- Банк уставида ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ишларни амалга оширади.

41. Агар Банк Кенгаши қарорига биноан бошқа ҳолат назарда тутилмаган бўлса, Банк Кенгаши раиси, Банк Кенгаши номидан кенгаш йиғилишларида тасдиқланган хужжатларни имзолайди.

42. Банк Кенгаши раиси белгиланган тартибда сайлангунга қадар янги таркибдаги биринчи Банк Кенгаши йиғилишини аввалги Банк Кенгаши раиси чақиради. Кворум мавжуд бўлган ҳолатда, бундай йиғилиш Банк Кенгашининг янги таркиби сайланадиган Акциядорлар умумий йиғилиши санасида ўтказилиши мумкин.

43. Банк Кенгаши раиси Банк Бошқарув раисига Банк Кенгаши ваколати доирасидаги ҳар қандай масаласини ҳал этиш бўйича малакали фикрларни шакллантириш учун зарур бўлган маълум соҳадаги билимларга эга мутахассисларни жалб қилиш, ҳамда Банк Кенгаши йиғилишларида кўриб чиқиладиган масалалар бўйича ҳужжатларни, хуносаларни ва бошқа материалларни тайёрлаш бўйича топшириқ бериш ҳукукига эга.

7. БАНК КЕНГАШИНИНГ КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИСИ

44. Банк Кенгашининг корпоратив маслаҳатчиси ўз вазифаларини доимий асосда амалга оширади, ҳамда қонунчилик ва банкнинг ички ҳужжатларида белгиланган талабларнинг бошқарув органлари томонидан бажарилишини таъминлан учун керакли малакага эга. Банк Кенгашининг корпоратив маслаҳатчиси Кенгаш аъзолари томонидан қўпчилик овоз билан сайланади. Банк Кенгашининг корпоратив маслаҳатчиси фаолияти Банк Кенгашининг корпоратив маслаҳатчиси тўғрисидаги Низом билан тартибга солинади.

45. Банк Кенгашининг корпоратив маслаҳатчisinинг вазифаси Банк органлари ва мансабдор шахсларининг акциядорларнинг ҳукуклари ва манфаатларининг амалга ошишини кафолатловчи таомил талабларига риоя қилишларини талаб қилиш, ҳамда Банк Акциядорлар умумий йиғилишларига, Банк Кенгаши мажлисларига тайёгарлик қилиш ва ўтказиш, Банк тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиш, Банк ҳужжатларини сақлаш, акциядорларнинг банкка қилган мурожаатларини кўриб чиқиш ва Банк акциядорлари ҳукуқларининг бузилиши билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш ҳисобланади.

46. Банк Кенгашининг корпоратив маслаҳатчиси Банк устави ва бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ ҳолда Кенгаш ва Банк бошқаруви органлари ўртасидаги ўзаро аниқ муносабатни таъминлади, ҳамда Банк Кенгаши аъзоларига ва Банкнинг мансабдор шахсларига корпоратив бошқаруви амалиёти ривожланишидаги янги тенденциялар ҳақида маълумот беради.

47. Банк Кенгашининг корпоратив маслаҳатчиси мажбуриятлари:

- Банк Кенгаши мажлисининг кун тартибини тузиш;
- Мажлис баённомаларини юритиш ва тузиш;
- Кириш ҳужжатларининг сақлаш ва ҳисобини юритиш, Банк Кенгашининг чиқиш ҳужжатларининг нусҳасини сақлаш;
- Банк Кенгаши аъзоларига мажлис ўтказилиши тўғрисида олдиндан хабар бериш;
- Банк Кенгаши мажлислари баённомаларини ва қарорларини сақлаш;
- Банк Кенгашининг топшириғига асосан бошқа вазифаларни бажариш.

48. Банк Кенгашининг корпоратив маслаҳатчisinинг фаолиятини таъминлаш мақсадида Банк Кенгаши тасдиқлаган миқдорда зарур маблағларнинг ҳаражат қилиниши Банк бюджети томонидан мўлжалланиши лозим.

49. Банк Кенгашининг корпоратив маслаҳатчиси ўз вазифаларини бажарганлиги учун ҳар ой мукофот пулини олади.

50. Банк Кенгашининг корпоратив маслаҳатчисининг мукофот пуллари ва компенсацияларининг миқдори Банк Кенгashi қарори билан белгиланади.

8. БАНК КЕНГАШИ МАЖЛИСИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

51. Кенгаш мажлисини ўтказиш учун Банк Кенгашининг корпоратив маслаҳатчиси ва Банк Бошқаруви асосий муаммоларнинг қисқача таърифини, жумладан, қарорларнинг қабул килинмаслиги холатида вужудга келиши мумкин бўлган оқибатларни ва амалий таклифларни ўз ичига олган материалларни тайёрлаши зарур. Батафсил маълумотлар мажлис материалларига илова қилиниши лозим.

52. Банк Кенгashi мажлисининг материаллари куйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- Банк Бошқаруви томонидан тайёранган Банкнинг асосий молиявий ва номолиявий фаолияти кўрсаткичлари;
- Олдинги Банк Кенгashi мажлиси баённомаси ва тавсиялари;
- Бизнес ҳажми, активлар, мажбуриятлар ва капитал кўрсаткичлари, ҳамда Банкнинг фойда ва заарлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Банкнинг, филиалларнинг ва бошқа бўлинмаларининг иш фаолиятининг самарадорлиги тўғрисидаги маълумотлар.

Банк Кенгashi мажлисини чақириши

53. Банк Кенгashi мажлиси Кенгаш раисининг ташаббусига биноан ёки

- Банк Кенгashi аъзоси;
- Тафтиш комиссияси;
- Банк Бошқаруви;
- Ички Аудит хизмати;
- Марказий Банкнинг талабига биноан чақирилади.

54. Банк Кенгashi мажлисини чақиришда мажлисни чақираётган шахслар қуйидагиларни белгилашлари зарур:

- Мажлис ўтказиладиган вақт, сана ва жойи;
- Мажлис кун тартиби;
- Овозга қўйилган масалаларнинг ифодаси;
- Банк Кенгashi аъзоларига мажлисда тақдим этиладиган маълумотларнинг (материалларнинг) рўйхати.

Банк Кенгashi аъзоларига Банк Кенгashi мажлисининг чақирилиши ва ўтказилиши ҳақида хабар бериси

55. Банк Кенгashi мажлисининг чақирилиши ҳақида кенгашнинг барча аъзолари мажлис ўтказиладиган санадан камида 7 кун олдин хабардор қилинишлари зарур. Мажлис ўтказилиши ҳақидаги билдиришнома Банк Кенгashi аъзоларига ёзма шаклда ёки улар учун кулай бўлган бошқа шаклда юборилади (жумладан, почта, телеграф, телетайп, телефон, электрон ёки бошқа алоқа тури орқали).

56. Мажлиснинг ўтказилиши ҳақидаги билдиришномада қўйидагилар акс эттирилиши лозим:

- Мажлисни чақираётган ташаббускорни кўрсатиш (ташаббускорнинг исми ёки органи номи ёхуд талабни тақдим этган юридик шахснинг номи);
- Кун тартибидаги масалалар;
- Кўрсатилган масалаларнинг кун тартибига киритилиш сабаблари;
- Мажлис ўтказиладиган вақт, сана ва жойи.

Банк Кенгаши мажлисининг чақирилишини рад этиши

57. Банк Кенгаши раиси мажлиснинг чақирилишини рад этиш ҳуқуқига эга эмас, қўйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

- Мажлиснинг чақирилиши тўғрисидаги талаб қонунчилик талабларига, Банк уставига, мазкур Низомга ёки Банкнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ эмас.
- Мажлисни чақирган ташаббускор шахс Банк уставига ва мазкур Низомга асосан Банк Кенгаши мажлисининг чақирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас.

58. Банк Кенгаши раиси тақдим этилган талабни кўриб чиқиши ва талаб тақдим этилган кундан бошлаб уч кун ичida Банк Кенгаши мажлиснинг чақирилиши ёки чақиришнинг рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилиши зарур.

59. Банк Кенгаши раиси қабул қилинган қарор тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 3 кун ичida ташаббускорларни хабардор қилиши шарт.

60. Мазкур Низомнинг 53-бандида келтирилган шахсларнинг талабига биноан чақирилган Банк Кенгаши мажлиси, талаб тақдим этилган кундан бошлаб 10 кун ичida ўтказилиши зарур.

61. Банк Кенгаши раиси қўйидаги масалаларни ҳал қилиш учун Банк Кенгаши мажлисини чақириши лозим:

- Йиллик акциядорлар умумий йиғилишини чақириш ва йиғилишни чақириш ва ўтказиш учун зарур бўлган қарорларни қабул қилиш;
- Банкнинг йиллик ҳисботини дастлабки тасдиқлаш;
- Акциядорларнинг йиллик Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритиш ва Банк Бошқаруви ва назорати органларига номзодларни кўрсатиш бўйича таклифларини кўриб чиқиш, ҳамда масалаларни йиллик Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритиш, номзодларни эса овоз бериш йўли билан сайланадиган Банк Бошқаруви ва назорати органларига номзодлар рўйхатига киритиш ёки рад этиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилиш;
- Банк Кенгашининг янги таркибини сайлаш мақсадида Акциядорлар умумий йиғилишини чақириш;
- Амалдаги қонунчиликка, Банк уставига ва мазкур Низомга мувофиқ ҳолда Банк Кенгаши томонидан қарор қабул қилиниши лозим бўлган бошқа масалалар.

Банк Кенгаши мажлиси

62. Банк Кенгаши мажлиси зарур бўлган вазиятларда, лекин ҳар 3 ойда камида бир марта ўтказилади, йиллик жадвал ҳисобга олиниши ва аввалги Банк Кенгаши мажлисида кейинги Банк Кенгаши мажлиси санасининг тасдиқланиши зарур.

63. Банк Кенгашининг мажлисими ўтказиш учун кворум Банк Кенгашининг сайланган аъзоларининг камидаги 75 фоизини ташкил этиши лозим. Банк Кенгashi аъзоларининг сони Банк уставида кўзда тутилган микдордан, яъни 75 фоиздан кам бўлиб қолган тақдирда, Банк Банк Кенгашининг янги таркибини сайлаш учун Навбатдан ташқари Акциядорлар умумий йиғилишини чакириши шарт. Банк Кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чакириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Банк Бошқаруви раисининг ваколатлари муддатидан илгари тутатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

64. Банк Кенгashi томонидан қарорлар қабул қилинишида мажлисда иштирок этаётган аъзолари кун тартибидаги масалалар тўғрисида ўз фикрларини овоз бериш орқали билдиришлари шарт. Мажлисда иштирок этаётган барча Банк Кенгashi аъзолари баённомани имзолайдилар.

65. Банк Кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Банк Кенгашининг мажлисида қарорлар, агар Қонунда, Банк уставида ва мазкур Низома ўзга ҳол кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда хозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Банк Кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Банк Кенгашининг бошка аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

66. Қуйидаги масалалар бўйича қарорлар бир овозда қабул қилинади:

- Устав фондини кўпайтириш, ҳамда Банк уставига ва Қонунга мувофиқ ҳолда тегишли ўзгартиришларни киритиш;
- Банк уставига ва Қонунга мувофиқ равишда йирик битимларни тузиш;
- Банк уставига ва Қонунга мувофиқ равишда аффилланган шахслар билан битимлар тузиш;
- Банк уставига ва Қонунга мувофиқ равишда Банк томонидан акцияларга конвертация қилинадиган корпоратив облигацияларни чиқариш.

67. Юқоридагиларга қарамасдан ва Қонун билан белгиланган меъёрлар доирасида Банк Банк Кенгашининг қонуний ҳуқуқка эга бўлган мажлисида хозир бўлган Банк Кенгashi аъзоларининг камидаги малакали қўпчилигининг (75%) маъқуллаши бўлмасдан туриб, қуйидаги масалалар бўйича қарор қабул қилмайди ва ҳаракатларни амалга оширмайди

- Аффилланган шахс билан (а) битим қиймати банк капиталини 2,5% (икки ярим) га ошган ҳар қандай шартнома, келишув ёки битим тузиш ёхуд (б) оддий фаолиятни амалга ошириш мобайнида тарафларнинг мустақиллиги тамоилии асосида тузилган муддати 1 (бир) йилдан кам бўлган номоддий келишувлардан ташқари;
- Банкнинг бизнес режасини ёки бюджетини маъқуллаш ёки ўзгартириш;
- Ўзбекистон Республикасининг стандарт банк фаолияти доирасидан чиқиб кетадиган ҳар қандай инвестицион, бизнес ёки савдо фаолиятида иштирок этиш.

68. Банк Кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан Банк Кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин. Агар қарор, тўлиқ маълумоти олинган, виждонли қарорни қабул қилиш учун зарур бўлган барча маълумотлар ва агар мавжуд бўлса бундай тарзда қабул қилинган қарорни тасдиқлаш учун лозим бўлган тегишли ҳужжатлар билан биргаликда дастлабки ҳужжат матни сифатида Банк Кенгashi барча аъзоларининг ёки Банк Кенгашининг тегишли қўмиталари барча аъзоларининг почта манзилига юборилмаган бўлса, ҳеч бир қарор Банк Кенгashi ёки Банк Кенгashi қўмитаси томонидан сиртдан овоз бериш йўли ёки ёзма розилик билан керакли тарзда қабул қилинган деб ҳисобланмайди.

69. Кун тартибидаги масалалар бўйича кворумни ва овоз бериш натижаларини белгилашда Банк Кенгаши мажлисида хозир бўлмаган Банк Кенгаши аъзосининг ёзма фикри, бундай ёзма фикр Банк Кенгаши аъзосининг муҳокама қилинаётган масала бўйича аниқ позициясидан далолат берган тақдирда («ёқлайман», «қаршиман» ёки «бетарафман») инобатга олинади. Ёзма фикр Банк Кенгаши аъзоси томонидан Банк Кенгаши раисига мажлис ўтказилишидан олдин тақдим этилиши зарур. Ёзма фикр ихтиёрий равища тузилиб, мажлис кун тартибидаги барча масалалар ёки алоҳида масалалар бўйича овоз беришни ўз ичига олиши мумкин.

70. Банк Кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Банк Кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

71. Банк Кенгаши мажлисида таклиф қилинган шахслар иштирок этиши мумкин. Таклиф қилинган шахслар қўйидаги хуқуқларга эга:

- Банк Кенгаши мажлисининг кун тартибидаги масалалари бўйича улар учун олдинган белгиланган масалаларга доир чиқишни амалга ошириш;
- Банк Кенгаши аъзоларининг илтимосига биноан Банк Кенгашида муҳокама қилинаётган масалалар бўйича изоҳ бериш.

72. Таклиф қилинган шахслар Банк Кенгаши мажлисининг кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш жараёнида иштирок этиш хуқуқига эга эмас.

Банк Кенгаши мажлиси баённомалари

73. Банк Кенгаши мажлисида баённома Банк Кенгашининг корпоратив маслаҳатчиси томонидан юритилади, корпоратив маслаҳатчи мажлисда хозир бўлмаган вактларда раислик қилувчининг топшириғига биноан Банк Кенгаши аъзоларидан бири юритади.

74. Банк Кенгаши мажлиси баённомаси мажлис ўтказилган кундан 10 кундан кечикитирмаган ҳолда тузилади.

75. Мажлис баённомасида қўйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жойи;
- мажлисда хозир бўлган шахслар;
- мажлисининг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

76. Банк қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда Банк Кенгаши мажлислари баённомаларини сақлаши шарт. Банк акциядорларига, Банк Кенгаши аъзоларига, Тафтиш комиссиясига, Банк аудиторига Банк Кенгаши мажлиси баённомаларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаши зарур.

9. БАНК КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

77. Банк Кенгаши аъзоси қўйидаги хуқуқларга эга:

- Банкнинг мансабдор шахсларидан ва ходимларидан Низомда белгиланган тартибда ҳар қандай маълумотларни (хужжатларни материалларни) талаб килиш;
- Ўз вазифаларини бажарганлиги учун мукофот олиш ва (ёки) Банк Кенгаши аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳаражатлар учун компенсация олиш;

- Банк Кенгаши мажлиси баённомалари ва Банкнинг бошқа коллегиал органлари мажлислари баённомалари билан танишиб чиқиш ва нусхаларини олиш;
- Банк Кенгаши мажлиси кун тартибига масала киритиш;
- Банк Кенгаши мажлисида сўзга чиқиш;
- Банк Кенгаши мажлиси баённомасига кун тартибидаги масала, қабул қилинган қарор бўйича ўзининг алоҳида фикрининг киритилишини талаб қилиш;
- Қонунчиликда ва Банк уставида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлар.

78. Банк Кенгаши аъзоси қўйидаги мажбуриятларга эга:

- Банкка нисбатан содикликни сақлаш;
- Банк ишларига нисбатан идроқ, виждон ва тегишли жонкуярлик билан ҳаракат қилиш;
- Алоҳида акциядорлар, мансабдор ва бошқа шахслар манфаатидан келиб чиқмасдан, Банкнинг умумий манфаатлари борасида ҳаракат қилиш;
- Банк фаолияти тўғрисида унга маълум бўлган маҳфий, инсайдерлик ва бошқа турдаги хизмат маълумотларини ошкор этмаслик, ҳамда ушбу маълумотларни Банк Кенгаши аъзосини вазифаларини бажариш мобайнида ва Банк Кенгаши аъзоси ваколатлари тугатилганидан кейинги 5 йил мобайнида ўз манфаатлари ёки учинчи шахслар манфаатлари учун фойдаланмаслик;
- Кечиктириб бўлмайдиган масалаларни ҳал қилиш учун Банк Кенгаши мажлисининг чақирилишига ташаббускорлик қилиш;
- Ўз вазифаларини бажариш учун етарлича вақт ажратиш;
- Банк Кенгаши ва Кенгаш қўмиталари мажлисларида иштирок этиш;
- Банк Кенгаши мажлисида иштирок этиш имконияти бўлмаган ҳолатда зудлик билан Банк Кенгаши раисига ёки Банк Кенгашининг корпоратив маслаҳатчисига хабар бериш;
- Кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш йўли билан қарор қабул қилишда иштирок этиш;
- Асосли қарорлар қабул қилиш, барча керакли маълумотларни (материалларни) ўрганиб чиқиш, тафтишлар ўтказиш ва қабул қилинаётган қарорлар билан боғлиқ истиносиз барча маълумотларни барча Банк Кенгаши аъзоларига етказиш;
- Қарор қабул қилишда рискларни ва номувофиқ оқибатларни баҳолаш;
- Банк Кенгашига Банк томонидан мўлжалланаётган битим ҳақида батафсил маълумотлар, жумладан, битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети, тегишли шартноманинг муҳим шартлари кўрсатилган ёзма билдиришнома юбориши орқали битим тузища аффилланганлик тўғрисида маълумот етказиш бериш;
- Банк Кенгаши томонидан таклиф этилган экспертизалар, лойиҳалар ва дастурларда иштирок этиш;
- Банк Кенгашининг топшириғига биноан Банкнинг молиявий хўжалик фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;
- Банк Кенгаши аъзосига Банк ходимларининг, жумладан, мансабдор шахсларнинг қонунчиликка, Банк уставига, ички низомларга, Банк қоидаларига ва йўриқномаларига риоя қилмаганлик ҳолати маълум бўлган тақдирда Банк Кенгашининг қолган аъзоларига маълум қилиш;
- Банк Кенгаши муҳокамасига ўз ваколати доирасидаги масалаларни тайёрлаш ва киритиш;
- Ўз фикрини йиллик ҳисоботлар, йиллик бухгалтерия ҳисоботлари, жумладан, фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисоботлар (фойда ва зарар ҳисоблари), фойдани тақсимлаш тартиби, жумладан, дивидендларни тўлаш, ҳамда Банкнинг молиявий йил якунлари бўйича зарарлари асосида шакллантириш;

- Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ва йиғилиш иштирокчиларининг саволларига жавоб бериш;
- Қонунчиликда ва Банк уставида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар.

79. Банк Кенгаши аъзоларининг ҳуқуқларини ва мажбуриятларини амалга ошириш тартиби:

- Банк Кенгаши аъзосининг фаолияти узлуксиз бўлиб, Банк Кенгашида қарор қабул қилишда иштирок этиш билан чегараланмайди;
- Банк Кенгаши мажлисларининг баённомаларини сақлайдиган шахс Банк Кенгаши аъзосининг талабига кўра икки кун ичидаги ушбу ҳужжатларнинг тасдиқланган нусҳаларини тақдим этиши шарт;
- Банк Кенгаши аъзоси ўз ҳуқуқларини ва мажбуриятларини амалга ошириш мақсадида Банкнинг барча мансабдор шахслари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар ва буйруқлар бериш ҳуқуқига эга, ушбу кўрсатмалар ва буйруқлар қонунчиликка, Банк уставига ва ички ҳужжатларига зид бўлмаслиги, ҳамда бошқа мансабдор шахсларнинг, Банк бошқарув ва назорат органларининг ваколатларини бузмаслиги зарур.
- Банк Бошқаруви Банк Кенгаши аъзосининг талабига биноан Банк фаолияти тўғрисидаги ҳар қандай маълумотларни, ҳамда Банк фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлмаган маълумотларни тақдим этиши шарт. Шахсий хаёт билан боғлиқ ва шахсий сирни ошкор этувчи маълумотлар, ҳамда учинчи шахсларнинг тижорат сири бўлган маълумотлар бундан мустасно.
- Банк Кенгаши аъзоларининг маълумотлар бўйича расмий талаблари Банк Кенгаши раиси ёки Банк Кенгашининг корпоратив маслаҳатчиси орқали марказлаштирилган ҳолда тақдим этилади;
- Банк Кенгаши аъзоси томонидан сўралган маълумотларни тақдим этиши имкони бўлмаган тақдирда Банк Бошқаруви Банк Кенгаши аъзосига бир кун ичидаги рад қилиш изоҳланган ёзма жавобни тақдим этиши шарт;
- Банк Бошқаруви ва Банк Бошқарув раиси Банк Кенгашининг қарорларини бажаришга мажбурлар.

Банк Кенгашининг янги аъзолари учун корпоратив бошқарув, ҳамда банк фаолияти масалалари бўйича таништирув трейнингни ташкил этиш зарур.

10. БАНК КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ВА ИШ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ

80. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига биноан Банк Кенгаши аъзоларига уларнинг ўз вазифаларини бажариш даврида “Банк Кенгаши фаолиятини баҳолаш тўғрисидаги” Низомга ва Банк Кенгашининг тасдиқланган бюджети доирасида аниқ белгиланган ва қўшимча мукофот, ҳамда Банк Кенгаши аъзоси вазифасини амалга ошириш билан боғлиқ ҳаражатлар учун компенсация тўланади.

81. Қўшимча мукофот Банк Кенгаши аъзосига қўмита аъзоси бўлганлиги, қўмиталарда раислик қилганлиги, ҳамда Банк Кенгаши ўринбосари вазифасини бажарганлиги учун тўланади.

82. Тайинлаш ва мукофотлаш қўмитасининг таклифига биноан Банк Кенгаши Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган бюджет доирасида, аниқ миқдорларда ва шаклда Банк Кенгаши аъзоларининг бир йиллик фаолияти натижаларига асосан уларни мукофотлаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

83. Банк Кенгashi фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида Тайинлаш ва мукофотлаш қўмитаси ҳар чоракда Банк Кенгashi фаолиятини умуман олганда ва алоҳида Банк Кенгashi аъзоларининг фаолиятини, ҳамда Банк Кенгashi аъзоларининг корпоратив бошқарув сиёсатларига ва таомилларига ва Банкнинг корпоратив бошқарув кодексига риоя этганлигини баҳолайди.

11. БАНК КЕНГАШИНИНГ ҚЎМИТАЛАРИ

84. Банк Кенгashi ўз вазифаларининг самарали амалга оширилиши мақсадида доимий равишда амал қилувчи қўмиталарни ташкил этади:

- Стратегик режалаштириш, ривожланиш ва корпоратив бошқарув қўмитаси;
- Аудит ва рисклар бўйича қўмита;
- Тайинлаш ва мукофотлаш қўмитаси;
- Банк Кенгashi томонидан зарур ҳолатларда тузиладиган бошқа қўмиталар.

85. Қўмиталар таркибиға фақатгина Банк Кенгashi аъзолари киради. Зарур бўлган ҳолатларда маълум қўмитада ишлаш учун керакли малакавий билимларга эга эксперталар жалб қилиниши мумкин. Банк Кенгашининг мустақил аъзоси 84-бандда кўрсатилган ҳар бир қўмитага тайинланиши зарур.

86. Қўмита Банк Кенгashi номидан ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга эмас. Қўмита қарорлари тавсиявий характерга эга.

87. Банк Кенгashi томонидан ташкил этилган ҳар бир қўмита учун низом тасдиқланади. Ушбу низомларда қўмита фаолиятининг мақсадлари ва вазифалари, функциялари, қўмита аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, қўмитани шакллантириш тартиби, қарорларни қабул қилишга бўлган талаблар ва қўмитанинг Банк Кенгashi олдида ҳисобот бериси қоидалари белгиланади.

88. Қўмита Банк Кенгashi томонидан тасдиқланган шакл бўйича тузилган ҳисобот орқали, бир ойда бир мартадан кам бўлмаган ҳолда Банк Кенгашига ўз фаолияти тўғрисида билдиришнома тақдим этади.

89. Қўмита Банк Кенгашига мазкур қўмита томонидан амалга оширилган вазифалар тўғрисида йиллик ҳисобот тақдим этади.

12. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

90. Банк Кенгashi Банк акциядорларининг ҳуқуқ ва манфаатларини қуидаги йўллар билан ҳимоя қиласди:

- Банк фаолиятини акциядорларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш;
- Акциядорларнинг умумий йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш, овоз бериси ҳамда овозларни санаш ва қарорлар қабул қилиш тартибини назорат қилиш;
- Банк Устав капиталидаги улушлари устав капиталини кўпайтириш ёки камайтириш, қўшимча қимматли қофозлар чиқариш ва бошқа усувлар билан ўзгаририлганда акциядорларнинг ҳуқуқлари камситилишига йўл қўйилмаслик;
- Банкнинг самарали дивиденд сиёсатини ишлаб чиқиш;

- Банк акциядорлари билан боғлиқ бўлган масалаларни кўриб чиқиши;
- Банк Бошқарувининг ғайриқонуний ҳамда ноҳақ ҳаракатлари устидан акциядорларнинг шикоятлари ва таклифларини қабул қилиш ва кўриб чиқиши.

91. Банк Кенгаши Банк фаолиятининг самарали ва шаффофф бўлиши учун бутун кучини сарф этади. Шу туфайли Банк Кенгаши керакли ҳаракатларни амалга оширади:

- Фонд бозорида Банк устидан назоратнинг сотиб олинишини тартибга солувчи қоидалар ва таомиллар, ҳамда қўшиб юбориш ва Банк активларининг мухим қисмини сотиш каби фавқулотда характерга эга битимлар аниқ ифодаланиши ва ошкор қилиниши, ҳамда акциядорлар бундай шароитларда ўз ҳукуқларини ва ҳукуқий ҳимояланиш воситаларини тушинишлари учун;
- Битимлар шаффофф нархларда ва барча акциядорларнинг ҳукуқларини, уларга тегишли бўлган акцияларга мувофиқ ҳолда ҳимоя қиласиган адолатли шартлар остида амалга оширилиши учун.

92. Банк Кенгаши акциядорларга уларнинг инвестициялари қийматига ёки ушбу инвестициялардан келадиган тушумларга мухим даражада таъсир қиласиган ҳар қандай маълумотнинг, жумладан, мулкчилик тузилмасидаги мухим ўзгаришлар, акцияларнинг назорат пакетини сотиб олиш бўйича таклифлар, акциядорларнинг режалари, ютиб юборишлар, қўшиб юборишлар, майдаланишлар ва бошқа банклар билан бирлашишлар ҳамда бошқалар ҳақидаги маълумотларнинг ўз вақтида ва тўғри тақдим этилишини таъминлайди. Мухим маълумотлар қуидагиларни ўз ичига олади:

- Банкнинг вазифалари;
- Фаолиятнинг молиявий ва операцион натижалари;
- Бошқарув тузилмасига ва сиёсатларига доир мухим масалалар;
- Банк Кенгаши аъзолари ёки мухим аҳамиятга эга банк ходимларига таъсир қилувчи ўзгаришлар ёки омиллар;
- Банк Кенгаши аъзоларининг мукофотлари ва имтиёzlари;
- Меъёрий ҳукуқий хужжатлар ёки қонунчиликдаги ўзгаришлар;
- Иш мухитига таъсир этувчи бошқа мухим масалалар.

93. Акциядорлар учун мухим аҳамиятга эга бўлган барча маълумотлар Банкнинг ахборот сиёсатига мувофиқ ҳолда тақдим этилади.

13. БАНК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

94. Банк кенгаши Банк Бошқарувидан вақти-вақти билан (камида ҳар чоракда бир марта) Банкнинг молиявий аҳволи ва фаолияти, шу жумладан уларни яхшилаш бўйича тавсиялар тўғрисида қисқача маълумотлар ва ёзма ҳисботлар олади, шунингдек, Бошқарув раиси ва ички аудит ҳизмати раҳбарининг ахборотларини эшитади. Банк Кенгаши аъзолари бу ҳисботларнинг тўғрилигини ва тавсияларни амалга ошириш мумкинлигини аниқлаш мақсадида уларни синчиклаб текширадилар. Банк Кенгашига тақдим этиладиган ҳисботлар рўйхати ва уларнинг таърифи мазкур Низомнинг 1чи ва 2чи Иловаларida келтирилган.

95. Хусусан, қуидаги молиявий коэффициентлар Банк Кенгаши томонидан мунтазам назорат қилинадиган кўрсаткичлар ҳисбланади:

- активларга нисбатан даромад;
- оддий акциялар бўйича даромад;
- умумий фоиз маржаси микдори;

- банкнинг активларга нисбатан фоизлар тўлаш билан боғлиқ бўлмаган харажатлари;
- барча кредитларга нисбатан шубҳали ва ишончсиз кредитлар улуси;
- барча кредитларга нисбатан ҳисобдан чиқарилган кредитлар улуси;
- йирик кредитлар суммаси ва банк билан боғлиқ шахсларга берилган кредитлар.

96. Банк Кенгаши аъзолари қуйидаги масалаларни қамраб олувчи маълумотларни ва ҳисботларни олишлари зарур:

- молиявий фаолият натижалари;
- кредит портфелини бошқариш;
- ликвидилик рискини бошқариш;
- фоиз рискини бошқариш;
- инвестицион портфелни бошқариш;
- молиявий деривативлар ва балансдан ташқари операциялар;
- аудит ва ички назорат;
- хавфсизлик;
- активларнинг сифати ва бошқарув;
- бошқаришга оид ахборот тизимлари;
- марказий Банкка топшириладиган мажбурий ҳисботлар;
- боғлиқ шахслар билан операциялар;
- корпоратив бошқарув кодекси ва одоб-аҳлоқ стандартларга риоя қилиш;
- маркетинг;
- янги маҳсулотлар;
- муҳим юридик масалалар;
- ходимлар билан ишлаш масалалари;
- иқтисодий таҳлил.

97. Молиявий ҳисботлар Банк ва ўхшаш гурух ташкилотлари орасидаги муҳим оғишларни (ижобий ва салбий) аниқлаш мақсадида таҳлил қилиниши шарт. Банк Кенгаши аъзоларига бошқарув томонидан прогнозлардан, ҳамда ўхшаш гурух ташкилотларининг кўрсаткичларидан ва тармоқ стандартларидан муҳим оғишлар бўйича тушунтиришлар тақдим этилиши зарур.

98. Банк Кенгаши ҳар чоракда қуйидагиларни эшитади:

- Банк Бошқарувининг йиллик бизнес-режанинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисботи;
- Банкнинг Ички аудит хизматининг ҳисботи;
- Банк Тафтиш комиссиясининг ҳисботот чорагида йирик битимларнинг ва аффилланган шахслар билан тузилган битимларнинг мавжудлиги тўғрисидаги хulosasi.

14. КАДРЛАР СИЁСТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

99. Банк Кенгаши банкнинг кадрлар сиёсатини, банкка Банк Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари лавозимларига тайинлаш учун юқори малакали раҳбарларни жалб этиш стратегиясини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

100. Конунчиликка мувофиқ Кадрлар сиёсати қуйидагиларни ўз ичига олади:

- банк ходимларини мукофотлаш, рағбатлантириш ва жазолаш тизими;
- ўқитиш ва қайта ўқитиш дастури;
- бўш ўринлар пайдо бўлган холларда раҳбарларни тайинлаш тартиби;

- банк раҳбариятини ишдан бўшатиш мажбурий бўлиб қоладиган ҳолларни аниқлаш.

101. Банк Кенгаши қўйидагиларни ишлаб чиқади ва тасдиқлади:

- Бошқарув аъзолари ва банк асосий хизматлари раҳбарларининг ишига баҳо бериш мезонлари;
- одоб-аҳлоқ кодекси ва манфаатлар қарама-қаршилигининг олдини олиш чоралари;
- билимсизлиги, вижданан ишламаганлиги, манфаатлар қарама-қаршилиги туфайли банкнинг мансабдор шахслари юкланган вазифалардан четлатиладиган шарт-шароитлар рўйхатини.

15. БАНКНИНГ АДЕКВАТ КАПИТАЛЛАШУВИНИ САҚЛАБ ТУРИШ

102. Банк капиталини сақлаш ва унинг операциялар кўлами риск даражасига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида Банк Кенгаши:

- Банқда эҳтимолий йўқотишларга қарши Марказий банк томонидан белгиланган миқдорларда маҳсус заҳиралар яратилишини назорат қиласи;
- Банк Бошқарувидан банк рисклари даражаси Марказий банк томонидан белгиланган миқдордан юқори бўлмаслигини таъминлашни талаб қиласи;
- Банк акцияларини жойлаштириш чора-тадбирларини кўради;
- Банкнинг капитал ва умумий заҳиралари етарли даражада сақлаб турилишини таъминлайди.

103. Кенгаш аъзолари Банк капитали позициясини ҳар доим капиталнинг етарлигига муҳим даражада таъсир этувчи омиллар, яъни кредитлар сифати, рискли активлар профили, фоиз риски, ўсиш ва даромадлар жиҳатидан кўриб чиқишлари зарур.

16. БАНКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИК РЕЖАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ

104. Банк Кенгаши Банк Бошқаруви томонидан ишлаб чиқилган, Банкнинг келажакдаги мақсадларини, вазифаларини ва стратегияларини ўз ичига олган Банкни ривожлантириш стратегик режасини тасдиқлади, ҳамда Банк Бошқаруви томонидан Банкни ривожлантириш бизнес-режасининг амалга оширилишини назорат қиласи.

105. Банкни ривожлантириш бизнес-режаси, қоидага кўра, унга зарур ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш мақсадида, камида ярим йилда бир марта қайта кўриб чиқиласи.

17. БАНК КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ БИЛАН БАНК МАНФААТЛАРИНИНГ ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИ

106. Банк Кенгаши Банк Кенгаши аъзоларига, уларнинг вазифаларини бажаришда тўсқинлик қилмаслиги шарти остида бошқа ташкилотларнинг кузатув кенгашларида иштирок этишни манъ қилмайди.

107. Банк Кенгаши таркибига тайинланиш пайтида ва кейинчалик доимий асосда (бир йилдан бир мартадан кам бўлмаган) ёки вазиятлар ўзгарган бошқа пайтда Банк Кенгашининг барча аъзолари ҳужжатлаштириш ва ташки аудиторларга ва банк Тафтиш комиссиясига маълумотларни тақдим этиш мақсадида потенциал манфаатлар қарама-қаршилигини келтириб чиқариши мумкин бўлган ўзининг расмий ёки бошқа

манфаатдорлиги тўғрисида Банк Кенгашига вижданан ва ҳаққоний тарзда ошкор қилишлари лозим.

108. Банк Кенгаши аъзоси, тарафи банк бўлган битимда аффилланган шахс бўлган тақдирда, ҳамда Банк Кенгаши аъзоси ва Банк ўртасида вужудга келган бошқа манфаатлар қарама-қаршилиги ҳолатида Банк Кенгаши аъзоси битим тузилишигача Банк Кенгашига аффилланганлик тўғрисида олдиндан хабар бериши лозим. Битим тўғрисидаги қарор ушбу битимда аффилланган шахс бўлмаган Банк Кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан ёки Акциядорлар умумий йиғилишида акциядорларнинг малакавий кўпчилиги билан қабул қилинади.

18. БАНК КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

109. Банк Кенгаши аъзолари Банк ва унинг акциядорлари олдидағи ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва Банк Уставига мувофиқ жавоб берадилар.

110. Банк Кенгаши йиғилишида овоз беришда қатнашмаган ёки Банкка заарар етказишга олиб келган қарор учун қарши овоз берган Банк Кенгаши аъзолари жавобгарликдан озод қилинади.

111. Банк Кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги асослари ва миқдорини аниқлашда расмий айланишнинг оддий шартлари ва иш фаолияти учун муҳим аҳамият касб этадиган бошқа вазиятлар инобатга олиниши зарур. Агар жавобгарлик бир нечта шахснинг бўйнида бўлса, уларнинг Банк олдидағи жавобгарлиги солидар хисобланади.